

ЧОРЛОВ


Азалдан буюк алломалар, баҳшилар, полвонлар юрти сифатида ном қозонган Сурхон диёри айни пайтда мамлакатимиз ва хорижлик сайёхлар кўп келадиган масканлардан бирига айланган. Воҳанинг тарихий археологик ёдгорликлари, меъморий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табити, бетакор қадрият ва анъаналари кишини оҳанрабодек ўзига торади. Сизнинг ҳам Сурхондарёга йўлингиз тушса, бу манзилларни кўрмай қайтманг, деган мақсадда уларнинг айримлари ҳақида сўз юритамиз.

1. ТЕШИКТОШ ҒОРИ



Бойсунтоғдаги Зовталашсоидарасида жойлашган ушбу гор бундан 100-40 минг йил аввал яшаб ўтган палеолит даврига мансуб қадимги одам маконидир. Гор деңгиз сатҳидан 1500-1600 метр баландлиқда жойлашган бўлиб, бўйи 7, эни 20, узунлиги эса 21 метрни ташкил этади. Гордан 8-9 ёшли неандертал боланинг тана ва бош сүяклари, қадимги ҳайвонларнинг қолдиқлари, яқин-атрофдан тош асрига тегиши мөҳнат куроллари топилган. Бу нодир топилма Осиёда аниқланган неандертал одамнинг илк қолдиқлари, осиёлик неандерталнинг сақланиб қолган ягона бош сүяги хисобланади. Неандертал боланинг бош сүяги асосида тикланган қиёфасини Термиз археология музейида кўриш мумкин.

2. ЗАРАУТСОЙ ҚОЯТОШ СУРАТЛАРИ



Ўзбекистон худудидаги энг қадимги, ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги бўлган ушбу қоятош суратлари Шеробод туманинг Зараутсоидарасидаги Зарауткамар горида тошларга ишланган. Мезолит, неолит ва кейинги даврларга мансуб 200 дан ортиқ бу суратларда одамларнинг ўқ-ёй, наиза, ўроқсимон куроллар ва итлар ёрдамида турли ҳайвонларни ов қилиш манзараси жигарранга кулранг кўринишда ўзига хос ҳаётӣ қилиб тасвирланган. Расмларнинг қадимиylari ka-

Сурхондарёга келиш учун 10 та сабаб

10

мар шифтини, кейнги даврда чизилган суратлар камар деворининг пастки қисмларини эгаллади. Бу ердан ўрта асрларга оид арабча "Мұхаммад" деган ёзувлар ҳам топилган.

3. ОМОНХОНА БУЛОҒИ ВА ҒОРИ

Бойсун туманинг табиити сўлим Омонхона қишлоғи замини тоба, яъни ийрик яssi тошлар билан қолланган. Ана шу қаттиқ жисмни ёриб кўз очган булоқ суви турли фойдали минерал мoddаларга бойлиги билан дунёга машҳур шифобаҳш маъданли сувлардан афзal эканлиги тан олинган.



Сув киши танасидаги ўтни суриш, уни суволтириш, пешобни ҳайдаш, қабзиятни бўшатиш, қон босимини пасайтириш каби турли хасталикларни даволашга ижобий таъсир этади. Омонхона сувини истеъмол қилган кишида ошқозон-ичак, сарик ва жигар циррози сингари ўтирик ўкумли касалликлар учрамайди.

Бу ерда Омонхона гори ҳам мавжуд бўлиб, унинг баландлиғи 3,5 метр, умумий майдони 60 квадрат метри ташкил этади. Саратоннинг чилласида гор ичидаги ҳарорат 5-6 даражага минус, қишида эса 20-22 даражага илик бўлиб туради. Омонхона қишлоғида бальнеологик даволаш маскани бўнёд этилган.

4. САНГАРДАК ШАРШАРИ



Сангардак — Ўзбекистоннинг энг баланд шаршараларидан бири, табиитнинг ноёб дурданасидир. Сарисиё туманинг Сангардак қишлоғида жойлашган бу шаршара тогнинг 150 метрдан ортиқ баландлиқдаги қисмидан отилиб тушади. Шаршара булоқ сувларидан ҳосил бўлиб, булоқлар сувни қоялар ичидаги жойлашган кўл-

дан олади. Булоқ сувлари тог ёнбағирларидаги турли гиёҳ илдизларини ювиб чиқаётгани боис инсон вужудини тетиклаштируви фойдали хусусиятларга эга. Шаршаранинг товуши ўзига хос "шаршара-терапия" — асаби маддадларга бойлиги билан дунёга машҳур шифобаҳш маъданли сувлардан афзal эканлиги тан олинган.

Шаршаранинг ўн томонида, ундан 200 метр баландлиқда маҳаллий аҳоли томонидан "Жавзо суви" деб атадиган гаройб булоқ ҳам бор. Қизиги шундаки, бир йилда бир марта фақат жавзо (май) ойида тог бағридаги булоқдан сув оқа бошлади. Ушбу ой тугаси билан тог бағридан оқаётган сув ҳам тўхтайди. Кишиларни ҳайратта соладиган бу гаройиб жумбок ҳалигача илмий асосда ўрганилмаган.

5. АЛ-ҲАҚИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ МАҚБАРАСИ



Термиз туманида, Амударё бўйида жойлашган ушбу мақбара IX асрларда яшаб ўтган ҳакимиyilik тариқатининг асосчиси, машҳур мухаддис ва тасаввuf шайхларидан бири, 400 дан ортиқ диний-фалсафий асрлар мулалифи Ал-Ҳаким ат-Термизи қабри устида қурилган. Ўзида масжид, мақбара, хонақ ва сағанани бирлаштирган мажмуа X-XV асрларга оид бўлиб, у қораҳоний ҳукмдор Абу Музаффар Аҳмад Тегин, Амир Темур ҳамда темурий шаҳзодалар Шоҳруҳ Мирзо ва Халил Султон ҳукмронлиги даврида бўнёд этилган.

Мақбаранинг чап томонида V-X асрларга оид бир нечта чиллахона мавжуд. Ушбу чиллахоналарнинг чукурлиги 15 метргача этади. Бу ердан қадимдан касалларни даволаша хонаси сифатида фойдаланиб келинган. Негаки, жанубининг қайнок жазира масида ҳам ушбу форсимон уйчаларда ҳаво салқин, қаҳратонда эса илик бўлган. Баъзи манбаларга кўра, бундай горисимон уйчаларда жазира мақбара кунларда

гўшт маҳсулотлари сақланган ва у совиткич вазифасини ўтаб берган.

6. СУЛТОН САОДАТ МАЖМУАСИ



Термиз туманида жойлашган ушбу мажмуа 20 га яқин мақбарарадан иборат. Дастрлабки мақбара пайғамбаримиз авлоди, шу атрофдаги ерлар эгаси, Термиз сайдилдининг сultonи Ҳасан ал-Амир қабри устида бўнёд этилган. Манбаларда ёзилишича, IX асрда яшаган Ҳасан ал-Амир ўз яқинлари билан дастрлаб Самарканда кўчиб келган. Бу ерда ўн бир йил яшад, Балхга кўйган. Ундан Термизга келиб, яшаб қолган. Вафот этгач, шу ерда дафн этилган. XI-XVII асрлар мобайнида ушбу мўътабар зотнинг авлодлари учун ҳам бу ерда маҳобатли мақбаралар қурилган. Мақбараларнинг энг қадимиси сомонийлар даврида, асосий қисми Амир Темур томонидан қурилган. Мақбараларда 170 тагача қабр бор.

7. ЖАРҚЎРҒОН МИНОРАСИ



Жарқўрғон туманидаги XII асрга оид ушбу минора Салжуқийлар ҳукмдори Султон Санжарнинг бўйруги билан 1109 йилда меъмор Али ибн Мұхаммад Сарахси томонидан қурилган. Миноранинг баландлиги ҳозирда

21,6 метр, аммо қурилиш вақтида у 54 метр бўлган. Минора қараб, унинг безакларидан кўзингизни узолмайсиз. Фиштларнинг маҳорат билан арча нақшида терилгандиги тўкилганлик эфектини яратади. Миноранинг остида турганингизда, фиштларнинг терилгани гиш эмас, балки мато каби кўрилади. Минора ичкарисида айланали зинапоялар бўлиб, улар ёрдамида гумбазсимон муаззинхонага кўтарилиш мумкин бўлган. Аммо ҳозирда унинг тела қисми сақланмаган. 1879 йилда минора яқинида пишик гиштдан қурилган қадимий масжиднинг харобалари топилган.

8. САЙРОБ ЧИНОРЛАРИ



Бойсун туманинг Сайроб қишлоғидаги қарийб минг йиллик бу икки тупчиноринг бўйи 26 метр, диаметри 21 метр, танасининг баландлиги бўйича ўлчами 9,7 метрни ташкил этади. Коғавагиннинг баландлиги етти метрга тенг. Тўғри учбурчак шаклидаги ковак оғзи меҳробли эшикни эслатади.

Тарихнинг турли талатотларини бошдан ўтказган чинор коваги ўтган аср бошларида эски мактаб сифатида хизмат қилиб, шу ерларнинг саводдини қиқарган. Октябрь тўнтиришидан сўнг қишлоқ кенгаши идорасига айлантирилган. Ўтган асрнинг ўттизинчи ийларидаги биринчи отлиқ аскарлар полкининг лагерь кутубхонаси, савдо дўқони сифатида фаолият юритган. Айни пайтда ноёб тарихий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган чинорлар коваклари мўъжазигина музейга айлантирилган. Чинорлар ёнидаги қора тусли балиқлар сузиб юрадиган шифобаҳш булук суви қандли диабет хасталигини даволаш хусусиятига эга.

9. "ҲЎЖАИКОН" ТУЗ ҒОРИ

Шеробод туманида жойлашган туз горининг узунлиги 200 метри ташкил этади. Гор деворлари 1-3 сантиметргача туз қатлами билан қолланган. Бу ерда ҳарорати, намлиги, босими ва микроқлими бир-бираидан фарқ қиласидаги кенг ва шинам хона-камералар мавжуд. Горининг ички узун йўлакчасида туз эртмали шифобаҳш сув бор. Гордаги мухит нафас йўлларининг алпергик касалликлари, зоб-бўқоқ, ўт-

кир ва сурункали бронхит, астма, сурункали ларингит, ринит, поллинос, зотилкам, пневмония асоратлари, ўпканинг шамоллаши, асан системаси ва тери қасалликларни самарали даволайди.



"Ҳўжаикон" туз горидан ташқари бу худудда маҳаллий аҳоли "Буйраксув" деб атайдиган иккита ер ости суви ҳам бор. Кенг адирлиқда сизиб чиқадиган бу шифобаҳш сув бўйракдаги тошларни майдалаб, беозор тушириб юбориш хусусиятига эга.

10. ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕИ

Термиз археология музейи Ўтга Осиёдаги ягона археологияга ихтиослаштирилган музей ҳисобланади. Музей 27 мингдан ортиқ экспонат билан фаолият бошлаган. Айни пайтда бу ерда Ватанимизнинг милоддан аввалиги юз минг йиллик ўтишидан бошлаб буғуни кунга қадар бўлган ҳаёти кенг ёритилган қарийб 116 мингга яқин ноёб топилма ва осори-атиқалар сакланмоқда. Уларнинг 84 мингдан ортиқ археологияга, 32 мингга яқини нумизматикага оид экспонатлардир. Музей



кутубхонасида 3700 дан ортиқ кўлэзмалар, тарихий адабиётлар ва бадий китоблар мавжуд. Музей фонди йилдан-йилга турли даврларга оид янги топилмалар билан бойиб бормоқда.

Хуллас, минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, деб бежиз айтишимаган. Агар табиат инъом этган мўъжизалардан ҳайратланшини, мозий ва бугун билан юзлашишини истасангиз, Сурхондарёга келинг, кўринг, завқ олинг. Бундан оладиган таассус-ротларнинг арзирли ва кўнгилга хуш ёқувчи бўлишига шубҳа йўқ!

Хумоюн НИЗОМИДДИНОВ,
"Hurriyat"нинг Сурхондарё вилояти
бўйича мухбири.